


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазирининг биринчи ўринбосари,
Кенгаш раиси

 И.Норкулов

“30” апрель 2021 йил

«Темур тузуклари билимдони» викторинасининг НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1.1.«Темур тузуклари билимдони» викторинаси (кейинги ўринларда Викторина деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5040-сонли қарори ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) томонидан тасдиқланган «Вазирлик тизимда маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича 2021 йил учун “Йўл харитаси”» га мувофиқ, Вазирлик ходимлари ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган викторина ҳисобланади.

1.2.Вазирликда фаолият юритаётган миллати ва тилидан қатъий назар барча ходимлар викторинада иштирок этиш хуқуқига эга.

1.3.Викторина «O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 2019 йилда чоп этилган «Темур тузуклари» китоби асосида ташкил этилади.

1.4.Викторинани ташкил этиш ва ўтказиш Вазирлик Маънавият ва маърифат Кенгashi (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) томонидан амалга оширилади. Кенгаш викторина Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

1.5.Викторина ғолибларини тақдирлаш ZOOM платформаси орқали онлайн тарзда ўтказилади.

II. Викторинадан кўзланган мақсад ва вазифалар

2.1.Викторинани ташкил этишдан асосий мақсад – Амир Темур давлатчилигининг бошқарув санъатини ўрганиш, буюк аждодларимизга бўлган ҳурматни амалда ифода этиш, ўз устида доимий изланишда бўлган билимдон ходимларни рағбатлантириш орқали ходимлар ўртасида китоб

мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавий савиясини юксалтиришдан иборат.

2.2. Викторинани ташкил этиш орқали қўйидаги вазифалар бажарилиши кўзда тутилади:

- ходимларнинг барча қатламларини китоб ўқишига тарғиб этиш ҳамда китоб ўқишига бўлган қизиқиш ва интилишларини қўллаб-куватлаш, тизимда адабий муҳитни шакллантириш;
- ходимлар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш орқали уларнинг Ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунча ва билим кўникмаларини кенгайтириш;
- ёш ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқали уларнинг турли хил ақидапарастлик ва заарли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш;
- миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналари, адиблар ижодини ходимлар ўртасида кенг тарғиб этиш, келажакда ходимлар томонидан ҳам бадиий етук, юқори савияли асарлар яратилишига туртки бўлиш;
- ижодкор, истеъдодли ва иқтидорли ходимларни рафбатлантириш, уларнинг ўз ақл-заковатларини намоён этишларига кўмаклашиш.

III. Викторинани ташкил этиш тартиби ва шартлари

3.1. Викторина қўйидаги босқичларда ўтказилади:

- 1-босқич иштирокчиларни рўйхатга олиш;
- 2-босқич www.test.idm.uz сайти орқали онлайн тест кўринишида;
- 3-босқич www.test.idm.uz сайти орқали онлайн тест кўринишида.

3.2. Биринчи босқич – викторинада иштирок этиш истагини билдирган ходимларни рўйхатга олиш хисобланиб, ушбу Низом расмий веб-сайтда эълон қилингунга қадар давом этади.

Рўйхатлар Вазирлик марказий аппарати Кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.3. Иккинчи босқич викторинанинг онлайн тест босқичи бўлиб, **17 май ва 18 май** кунлари www.test.idm.uz сайти орқали вазирлик тизими миқёсида ўтказилади. Бунда:

а) 30 та саволдан 30 тасига тўғри жавоб берган иштирокчилар (*Агар! мисол учун: барча саволларга тўғри жавоб берган иштирокчилар сони 3 та ва ундан кўп бўлса уларнинг барчаси*) рўйхат (*сайтдан олинган натижса*) асосида 3-босқич онлайн тестга ўтади;

б) Агар 30 та саволдан 30 тасига тўғри жавоб берган иштирокчи — 1 та, 30 та саволдан 29 тасига тўғри жавоб берган иштирокчи — 1 та, 30 та саволдан 28 тасига тўғри жавоб берган иштирокчи — 1 та бўлса, шу уч нафар

иштирокчилар ғолиб деб ҳисобланиб, иккинчи босқичнинг ўзида викторина якунланади;

д) Агар 30 та саволдан 30 тасига тўғри жавоб берган иштирокчи — 2 та, 30 саволдан 29 тасига тўғри жавоб берган иштирокчи — 1 та ва ундан ортиқ бўлса, 30 тасига тўғри жавоб берган иштирокчилар алоҳида ўзаро 1 ва 2 ўрин учун беллашадилар. Қолган 29 тасига тўғри жавоб берган иштирокчилар эса алоҳида 3-ўрин учун беллашадилар.

IV. Ғолибларни тақдирлаш

4.1. Викторина ғолиблари Вазирлик Маънавият ва маърифат Кенгashi раиси ёки раис ўринbosари томонидан (*согломлаштириши оромгоҳларига оиласий тур пакет ёки маблағ кўринишида*) тақдирланади.

4.2. Викторина ғолибларига ажратилган умумий 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм пул маблағи қўйидаги тартибда тақсимланади:

- 1 ўринга **6 000 000 (олти миллион) сўм;**
- 2 ўринга **5 000 000 (беш миллион) сўм;**
- 3 ўринга **4 000 000 (тўрт миллион) сўм.**

V. Якуний қоидалар

5.1. Викторинани тайёрлаш, ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар вазирлик бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5.2. Викторинани ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.